



CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL AND APPLIED SCIENCES ISSN: 2660-5317

Special Issue, 2022 ||

"Challenges and Innovative Solutions of Life Safety in Ensuring
Sustainability in Economic Sectors"

THE EFFECT OF COLORS ON EMPLOYEE BEHAVIOR

Rasuleva M.A.

Ph.D., Associate Professor of Life Safety, Tashkent State Technical University

Muminov Otabek Shukhratovich

doctoral student of the Department of Life Safety, Tashkent State Technical University

akb-81@mail.ru

Received 13th Feb 2022, Accepted 15th Mar 2022, Online 7th May 2022

Annotation. *In order to prevent accidents, various different studies have been carried out by many research scholars in the world and continues today. Such research and modern innovations need to develop personal protective equipment, develop efforts and injury, introduce modern technical and innovative assistance, introduction of new software technologies, as well as to rest.*

Keywords and phrases: *Accident, protective equipment, tools, victim, presentability, danger, innovative idea, effectiveness*

Introduction. Хар йили дунёда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар натижасида 860 мингга яқин бахтсиз ходисалар рўй беради. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотиغا кўра, ташкилотлар касб касаликлари ва бахтсиз ҳодисалар учун йилига тахминан 2.8 триллион доллар сарфлайди.

Инсоннинг кўзи доимий равишда нур ва турли хилдаги рангларга интилиб, талпиниб яшайди. Худди кундалик ҳаётимизда қора булутлардан сўнг чиққан қуёш нурини кўрган ва кайфияти кўтарилган инсон кабидир. Тирик организм бор экан, ранглар таъсир кўрсатиши нормаллашган ҳолатдир.

Main part. Рангларнинг табиатда қандай ҳосил бўлиши ва тарқалиши қадимдан олим ва рассомлар диққатини тортиб келган. Султон Али Машҳадийнинг 1514 йилда ёзилган “Ҳаттотлар ва мусаввирлар ҳақида рисола” сида айтилишича, ўша давр кўлёзма девонларни безатишда кўлланадиган безак нақшлар турли-туман бўлиб, ҳар бир девон тузувчининг саҳифаларга ранг ва оро беришида ўзига хос услуби бўлган.

Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Камолиддин Беҳзод, Фирдавсий, Бобур каби жаҳонга машҳур алломаларимиз рангларнинг турлари, инсон соғлигига таъсири, маънолари ва бошқа хусусиятлари ҳақида жуда кўп илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Чунончи, Абу Райҳон Беруний ўзининг “Китоб ал Жавоҳир- маърифат ал Жавоҳир” (Минералогия) асарида рангларнинг 200 дан ортиқ номларини санаб ўтган ва бу рангларнинг келиб чиқиши тўғрисида ёзган.

Рангларни тадқиқ этишга айниқса, японлар илгаридан жиддий эътибор бериб келишган. Шу боис дунёда ягона бўлган Ранг институти Токио шаҳрида фаолият кўрсатади. Бу даргоҳда ранг ҳар томонлама тадқиқ этилади, хусусан, рангларнинг инсон қалбига бўлган таъсирлари ҳам ўрганилади. Ранг асослари фан сифатида Япония мактаблари дастурига ҳам киритилган.

Ранг доираси тенг иккига бўлинса, биринчи ярмида илиқ ранглар, иккинчисида совуқ ранглар жойлашади. Бундай дейилишига сабаб, қизил, зарғалдоқ, сариқ ранглар оловни, қизиган темирни, чўғни эслатади, ҳаво ранг, зангори, кўк ранглар музни, сувнинг рангини эслатади. Бундай фарқланиш бир оз нисбий бўлиб, ҳар қандай илиқ ранг ҳам ўзига нисбатан илиқроқ ранг ёнида совуқроқ бўлиб кўриниши ва аксинча, совуқ ранг ўзидан совуқроқ ранг ёнида илиқроқ бўлиб кўриниши мумкин.

Ранг фарқланишида биз сариқ ва қора рангга энг оптималлигини биламиз. Бу икки ранг йўл (белги)ларида ишлатилади. Биз кўйида кўрсатганимиздек масофавий ораликни кўриш хирралашган ҳолатларди мослашган ранг мосламаларини тузмаиз.

Бугунги кунда ранг психологияси — эмпирик илм ҳисобланади. Рангга ўрганишнинг бош мақсади руҳият ва рангга ўзаро таъсири, келиб чиқиши инсон ҳаётида у ёки бу вазиятларда, эмоционал ҳолатларда тутган ўрнини ёритиб беришдан иборатдир.

Ранг белгиларини ўрганиш, унда маъно акс эттириш ибтидоий одамлардан қолган яна бир очилмаган илм деб қаралади. Ушбу даврда ранг бу мўжиза, ноаниқлик, яъни у сеҳрга тўла деган қарашлар вужудга келди. Рангга дин ва инсон эътиқодларига ҳам боғлаб ўрганишади. Оқ ва қора-яхшилик ва ёмонлик белгилари дейилиши ҳам айтилиши шу аснода вужудга келган. Чунки ибтидоий одамлар ҳаётида айтилиши шу ранглар жуда катта аҳамият касб этган.

Ранг барча жонворларга ҳаттоки, энг кичик организмларга таъсир қилади. Ҳайвон ва ҳашоратлар ҳам рангларни ажратиб, уларга маълум бир таъсирлар кўрсатар экан. Масалан, пашшада олиб

борилган тажрибада аниқланишича, улар кўк рангни ёқтиришмас экан. Бир хонани барча жихозларини, деразаларини кўк рангга бўяб, фақатгина бир кичкина деразани бўямай қолдирилибди. Аини пайтда барча пашшалар фақат оқ бўялмаган деразага қўнишибди.

Швейцариядаги Базел университетининг Оливер Геншов бошчилигидаги олимлар гуруҳи яна бир тажрибани амалга оширишди. Улар кўнгиллиларга ликопчада печенье таклиф қилишди ва уни мазасини аниқлагуналарича истаганча ейишлари мумкинлигини айтишди.

Хонага қизил нур туширилганда камроқ печенье истеъмол қилинди. Аммо худди мана шу эксперимент Аппалачи университети олимлари томонидан ўтказилганда натижалар аксини кўрсатди. Иштирокчилар энди қизил нур остида кўпроқ печеньеи ейишди.

Кўриниб турибдики, ранглар таъсирини ўрганиш ўйлаганимиздан кўра анча мураккаб иш. Ёки шунчаки ранглар биз кутганимиздек таъсир кучига эга эмас. Шунга қарамай, АҚШ, Швейцария, Германия, Польша, Австрия ва Буюк Британиянинг баъзи турмалари пушти рангнинг бирор бир тусига бўялади. Швейцариянинг 20 фоиз қамоқларида ва полиция участкаларида ҳеч бўлмаганда бир дона пушти хона мавжуд. Бу рангни “пушти пудинг” деб аташ ҳам мумкин. Бироқ унинг ўз номи бор — Бейкер-Миллер пуштиси. Бу ном маъбусларга пушти рангнинг таъсирини биринчи бўлиб ўрганган АҚШнинг икки офицери шарафига қўйилган.

Мазкур фаразни текшириш мақсадида Геншов бошчилигидаги олимлар гуруҳи 2014 йили Швейцариянинг хавфсиз қамоқхоналаридан бирига йўл олишди. Улар тадқиқот учун 30 йил олдингисига қараганда анча яхши тайёргарлик кўришди. Маъбуслар тасодифий тартибда турлича, пушти рангга бўялганларидан тортиб, кулранг деворли оқ шифтли камераларга жойлаштирилди. Қамоқхона хизматчиларига маъбуслар хулқ-атворини баҳолаш учун тажавузкорлик шкаласидан қандай қилиб фойдаланиш ўргатилди. Натижа пушти камералар назариясига ишонувчиларни хурсанд қилгани йўқ. Чунки хона рангидан қатъи назар уч кун ўтгач, маъбусларнинг тажовузкорлик даражаси анча сусайган. Хуллас, бу ерда рангнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ.

Шундай қилиб, ранг инсон кайфиятига, хулқ-атворига маълум маънода таъсир ўтказди. Аммо бир рангга ҳамиша бир хил кайфият уйғонади, унинг аниқ бир таъсири бор дейиш ҳам жуда мушкул. Балки куни келиб бу саволларга аниқ жавоб топилар. Ҳозирча рангнинг инсон кайфиятига таъсири кўплаб мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Conclusion. Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштирар эканмиз, ранглар ҳақиқатдан ҳам ҳар бир инсон ҳаётининг объектив бир бўлагигина эмас, балки руҳияти, кайфияти ва ҳаттоки соғлиғига ҳам ўз таъсирини кўрсата оладиган омил эканлигини англаймиз. Шундай экан, ранглар ва уларнинг хусусиятлари масаласига жиддий қараш, ҳар томонлама тадқиқ этиш зарур. Чунки, ранглар

хақида маълумотга эга бўлиш ҳар қандай инсон учун кундалик ҳаётида шахсий буюмлар танлаш, яшаш, ўқиш ёки иш жойларини жиҳозлаш, дидни шакллантириш ҳамда мустақил фикрлашида муҳим ўрин эгаллайди.

References.

1. M.A. Rasuleva, A.X. Rasulev. Hayot faoliyati xavfsizligi madaniyatini shakllantirish asoslari. O'quv-uslubiy qo'llanma. – Toshkent, 2020 y.
2. Баева И.А. Психологическая безопасность в образовании: монография. – СПб.: Союз, 2002. – 271 с.
3. <https://odam.uz/Qiziqarli/ranglar-psixologiyasi-rang-va-fe-l-atvor>
<https://www.gazeta.uz/uz/2021/02/04/incident/>
4. <https://mehnat.uz/uz/news/uzbekiston-respublikasi-bandlik-va-mehnat-munosabatlari-vazirligining-davlat-mehnat-inspekciyasi-tomonidan-2020-yil-davomida-amalga-oshirilgan-ishlar-haqida-malumat#>
5. <https://znanio.ru/media/ranglarning-hul-atvorimizga-tasiri-2521690>].